

Эҳтиёжманд оиласларга “саҳоват” қутилари улашилди

Халқимизга хос хислатлар ҳақида сўз кетганда, мурувват ва меҳр-оқибат, саҳоватпешалик алоҳида тилга олинади. Чиндан ҳам, бу каби инсоний фазилатлар юртдошларимизнинг кундалик ишлари, ниятлари, саъй-ҳаракатлари билан уйғуналашиб кетган. Жорий йилнинг 27 апрель куни ТИҚХММИ Қарши филиали Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот етакчиси Ў.Тўхтаев бошчилигига моҳи Рамазон ойида хайрли ва саҳоватли ишлар амалга оширилди. ТИҚХММИ Қарши филиали Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот етакчиси Ў.Тўхтаев, иқтидорли ва фаол талабалар ҳамда Экология ва атроф мұхит мұхофазаси таълим йўналиши 1-курс 127-гуруҳ талабалари билан ҳамкорликда Қарши шаҳридаги “Оқтепа”МФЙда истиқомат қилаётган 4 нафар эҳтиёжманд ва мұхтоҗ оиласлар ҳолидан хабар олиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари жамланмасини тарқатилди. Беморлар ҳолидан хабар олинди, мұхтоҗларга күмаклашилди, ёлғиз, боқувчисини йўқотганларга совғасаломлар улашилди.



Бинобарин, инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёsat замирида ҳам ахоли турмушини янада фаровон этиш, нуронийларни эъзозлаш, вояга етаётган ёш авлодни қадрлашдек улуғвор мақсадлар мужассам. Бу ташабbus ғурӯн талабаларимизни янада жипслаштиromoқда. Энг мұхими, бу ташабbus инсонпарварлик нұқтаи назаридан мұхим аҳамият касб этади.

**Экология ва атроф мұхит мұхофазаси таълим йўналиши 1-курс 127-гуруҳ раҳбари Илҳом
Ғаниев ахбороти**

ТИҚХММИТ матбуот хизмати